



# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

# TASHRIF



№ 24-сон (144)  
2020 йил 28 декабрь, душанба

Ижтимоий — сиёсий газета

E-mail: tashrif-gzt@mail.ru  
Газета 2015 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

## САРҲИСОБ ВА ЯНГИ ЙИЛДАГИ НИЯТЛАР



### СУРХОНДАРЁДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР: 2020 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ВА 2021 ЙИЛ РЕЖАЛАРИ

2020 йил давомида вилоятда 36 та лойиҳа доирасида 155 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредит маблағлари жалб этилди.

2021-2023 йиллар Инвестиция дастури учун қиймати 719 млн. долларга тенг 41 та лойиҳа тақлифи ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳалар доирасида 2021 йилда 283 млн. доллар миқдорида инвестициялар, шундан, 166 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

2021 йилда 80 млн. долларлик 11 та йирик sanoat объекти ва ишлаб чиқариш қувватларига эга янги лойиҳаларнинг фойдаланишига топширилиши натижасида 1 минг 680 та

янги иш ўрни яратилди.

**2020 йил вилоятда 733 та истиқболли лойиҳа ишга туширилиб, 6,4 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.**

“Йил бошида вилоятда 1,6 трлн. сўмга тенг бўлган 448 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлса, амалда эса қиймати 2,4 трлн. сўмга тенг 733 та лойиҳа ишга туширилди ва 6,4 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Мисол учун, Олтинсой туманида қиймати 85 млрд. сўмлик 200 ўринли “Хўжайпоқ” за-



монавий соғломлаштириш маркази ташкил этилди. Бойсун туманида “Бойсун Лано” МЧЖ томонидан қиймати 10 млрд. сўмлик йиллик 17 минг тонна қўй жунидан ланолин ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди.

Жорий йилда вилоятда 7 минг 163 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан жами 3 трлн. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди”.



**(Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболовнинг Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида 2020 йилнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2021 йил учун белгиланган устувор йўналишлар тўғрисида воҳа аҳолисига қилган муурожаатидан).**

## ТАБАССУМГА БУРКАНСИН ДУНЁ

Табассумга буркансин дунё, Қордек оппоқ бўлсин дилингиз. Бўлсин қордек тоза, мусаффо, Қадам қўйган янги йилингиз. Янги йил кириб келмоқда. Ҳар биримизнинг қалбимизга байрам шуқуҳини ҳадя этиб, эртақлардагидек ҳаёт, мўъжиза ва орзулар ижобатини олиб келувчи Янги йил барчамизга муборак бўлсин. Янги йил ҳар бир инсонга, ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахтусаодат, омад олиб келсин! Энг муҳими, Ватанимиз тинч, халқимиз

омон бўлсин!

Мана улкан хотираларга бой бўлган 2020 йил ҳам ортда қолди. Ўтган йил бутун дунё аҳли учун катта синовлар йили бўлди. Пандемия шароитида халқимизнинг азалий инсонпарварлик, гамхўрлик, саховатлилик каби фазилатлари яна бир бор намоён бўлди.

Юртимизда эълон қилинган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати кенг қулоқ ёйди. Карантин чораларига қатъий амал қилиниши натижасида хасталикнинг тарқалиши жилов-

ланди. Энг қувончлиси, бунинг натижасида мактаблар очилиб, устозлари ва таълим даргоҳини соғинган болажонлар мактаб бағрига қайтди.

Мен тумандаги 7-умумтаълим мактабида 3-синф ўқувчиларига бошланғич таълимдан сабоқ берарман. Синфимизда ўқиётган 21 нафар болажонларнинг кундан кунга янги билимларни завқ билан ўзлаш-



### АССАЛОМ, ЯНГИ ЙИЛ!

тираётганини кўриб, устоз сифатида қувонаман. Мана шу мурғак болажонлар бахтига дунё тинч бўлсин, инсоният тараққиёт йўлидан тоймасин, дейман.

**Янги — 2021 йилнинг қадами кутлуғ ва хосиятли келсин.**

Янги йилда барчага, Яхши тилак тилармиз. Эзгу ниятлар билан, Чинакам бахт тилармиз. Барчангизни кириб келаётган Янги йил билан табриклаймиз!

**Матлуба ЛОЛАЕВА,**  
Олтинсой туманидаги 7-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.

# ТҮПОЛАНГ СУВ ОМБОРИ ВА ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР

халқ фаровонлиги ҳамда мамлакат тараққиётига хизмат қилмоқда

Сариосиё туманида жойлашган Тўполанг сув омбори мамлакатимиздаги энг йирик иншоотлардан бири ҳисобланади. Улкан ҳавзанинг узунлиги 14 километр, чуқурлиги қарийб 200, эни эса 450-500 метрни ташкил қилади. Марказий Осиёдаги энг баланд тўгонли (187 метр) гидроиншоотга Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси – денгиз сатҳидан 4688 метр баланддаги ҳазрати Султон музликларидан оби-ҳаёт келади.

Тоғ этакларидаги қурилиш ишлари 1982 йилда бошланган бўлиб, дастлаб 120 миллион метр куб сув сифимиға мўлжалланган эди. Кейинчалик бунёдкорликлар яна давом эттирилди. Ҳозирги кунда оби ҳаёт ҳажми 500 миллион метр кубни ташкил қилмоқда. Ўтган йиллар давомида ҳудудда 13 миллион метрдан ортиқ ер усти ишлари, 130 километрдан зиёд цемент-бетон ва 6 минг метрдан ошиқ ерости қурилишлари бажарилгани қувонарли. Шу билан бир қаторда, ҳар бири 12 мегаватт электр энергия ишлаб чиқарадиган 2 та агрегат фойдаланишга топширилди. Иккитаси эса ўрнатилаяпти. Булардан ташқари, “Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” кичик гидроэлектр станциялар барпо этилмоқда. Уларнинг иш бошлаши билан умумий қув-



ват 250 мегаваттга етказилади ҳамда вилоятнинг шимолий ҳудудлари – Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманларининг аҳолиси электр энергияси билан тўлиқ таъминланади.

– Ўтган йилнинг 30 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тўполанг гидроэлектр станцияси фаолияти билан яқиндан танишган эди, – дейди “То`поланг НРД Platium” масъулияти чекланган жамияти директори ўринбоса-

ри Саъдулла Асадов. – Давлатимиз раҳбари сув омбори ва электр энергия манбалари қурилишида аввало сифат ва самарадорликка эътибор қаратишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шунга асосан, бунёдкорликлар жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган махсус мосламалар ёрдамида назорат қилиб борилмоқда.

– Сув – ҳаёт дегани деб бежиз айтмаган доно халқимиз, – дейди Сариосиё туманидаги «Шодмон-

Шокир» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП фаоли Шокиржон Мирзаев. – Оби-ҳаёт бор жой гуллаб-яшнади, фаровонлик бўлади. Шу боис отабоболаримиз сувни эъзозлаб, исроф бўлишига йўл қўймаган. Тўполанг сув омборини эса шубҳасиз табиат мўъжизаси ва инсон ақл-заковатининг маҳсулиға қиёслаш мумкин. Ундан оқайтган бебаҳо неъмат Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон туманларидаги 101,7 минг гектар майдонни оби-ҳаёт билан таъминлаётган бўлса, яқин келажақда Шеробод, Музработ, Қизирик ва бошқа туманлардаги 103 минг гектар ернинг сув таъқислиғига барҳам берилади. Бир сўз билан айтганда, Тўполанг сув омбори ва гидроэлектростанциялар халқ фаровонлиги ҳамда мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

**Абдумалик ХАЙДАРОВ,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

## Анъанавий ва ноанъанавий дарс

Барчамизга маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш ва улارнинг ўқиб-ўрганиши давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, билим чўққиларини забт этиши ва албатта келажақда комил инсон бўлиб улғайишида таълим-тарбиянинг, хусусан мактабнинг аҳамияти катта.

Ҳар томонлама соғлом болани вояга етказиш, уни Ватан муҳофааси, эл-юрт тинчлиги ҳамда фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган, жисмонан бақувват, маънан етук шахс қилиб тарбиялашда таълим муассасалари билан бир қаторда устоз-мураббийларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Болалигимдан ўқитувчиларимизнинг ва уларнинг бераётган сабоқларини тинглаб устоз бўлиш-

## МАКТАБ – ТАРАҚҚИЁТ БЕШИГИ

ни орзу қилганман. Келажақда қайси касб эгаси бўласан, деган илк саволға ҳам ўқитувчи дея жавоб берганман. Болалиқдаги орзу ва интилишларим мақсадимға айланиб, айни дамда истақларим касбимға айланиб Денов туманидаги 36-мактабда ёшларға таълим-тарбия бериб келаяпман.

Ота-она учун фарзандининг порлоқ истиқболини кўриш бахт бўлгани сингари устозлар учун ҳам шогирдларининг камолини, нурли ва ойдин келажагини кўриш жуда катта қувонч ва албатта битмас-туганмас бахт хазина ҳисобланади.

Бугунги кунда ёшларға таълим беришда анъанавий ва ноанъанавий дарс ўтиш методларидан фойдаланиш анъанаға айланиб бораёттир. Таълим сифатини ошириш ва билим бериш жараёнида “Кластер”, “Ақлий ҳужум”, “Зинама-зина”, “Савол-жавоб” ҳамда “Занжир” усуллари самарали натижа бермоқда. Шу боисдан ҳам ҳар бир дарсни алоҳида эътибор ва завқ билан ўтишға ҳаракат қиламан.

Мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан биз ўқитувчиларға катта имкониятлар яратилиши билан биргаликда, зиммамизға залворли масъулият ҳам юкланаёттир. Ватанимизнинг эртанги истиқболлиға ҳамда гуллаб-яшнаши ва тараққиёттиға шогирдларим орқали ҳисса қўшаётганимдан жуда бахтиёрман.

**Бобокул САИДОВ,**  
Денов туманидаги 36-мактаб ўқитувчиси.

## Китобхон элим

Буюк мутафаккир бобомиз А. Навоий “Китоб беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишға эришишнинг энг асосий манбаи” дея мутолаанинг инсон ҳаётида тутган ўрниға алоҳида эътибор қаратган.

## МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

Бугун шиддат билан ривожланаётган даврда интеллектуал салоҳиятли, билимли китобхон авлодни тарбиялаш биз педагоглар олдидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ана шундай вазифаларни амалға оширишимизда биз таянадиган асосий восита китоб ҳисобланади.



Инсон китоб орқали атроф-муҳитнинг ранг баранглигини кўради ва ўзини қизиқтираётган саволларға жавоб олади.

Фарзандлар китобсевар бўлиши учун аввало ўша оилада маънавий муҳит билан бирға ота-она ҳам китобхон бўлиши лозим.

Ота-онанинг қўлида китоб бўлиши эса, болани китобхонликка чорлайди ва унинг ўқиган китоблари маънавий оламини бойитади.

Китоб билан биринчи танишув эса боланинг кейинги ҳаётида муҳим аҳамиятға эға бўлади.

**Норхол ХОДЖАКУЛОВА,**  
Денов туманидаги 48-мактаб ўқитувчиси.

Бағрикенглик ва кечиримлилик халқимизға хос ажойиб хусусиятлардан биридир. Шу боис юртимизда ўзғага кўмак, меҳр-муруват, гамхўрлик доим эъзозланиб, кадр топиб келмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишдан чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлиға қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Фармонға мувофиқ афв этилган 104 нафар шахс қилмишиға чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлиға қатъий ўтганлардир. Уларнинг 13 нафарини чет эл фуқаролари, 9 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 1 нафарини аёл ҳамда 21 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Асосий қомусимизда фуқароларнинг бурч ва вазифалари алоҳида белгиланган. Унға ҳар биримиз қатъий амал қилишимиз лозим. Таассуфки, гоҳида билиб-билмай ёки эҳтиётсизлик ортидан қинғир ишға қўл уриш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Бу эса жавобгарликка асос бўлиши муқаррар.

## Муносабат

## БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ



Айни кунларда ўз оилалари бағриға қайтганларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш борасида хайрли ишлар амалға оширилмоқда. Афв қилинганларни моддий рағбатлантириш ва ҳаётға кўниктириш тадбирлари ташкил этилаяпти. Тегишли соҳа мутасаддилари томонидан ўтказилаётган йиғилиш ва учрашувларда афв бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланмоқда. Бундан тўғри хулоса чиқариш лозимлиги, аксинча, жиноятға қўл уриш салбий оқибатларға олиб келиши муқаррарлиги айтиб ўтилмоқда.

Ўз оиласи ва яқинлари бағриға қайтганлар Президентини-

миз ва ҳукуватимиздан миннатдор эканликларини баён қилишмоқда. Бағрикенглик ва кадр-қиммат йўғрилган афв эртанги кунға бўлган ишонччи ошираётганини таъкидлаб ўтишмоқда. Бунға жавобан ҳалол меҳнат қилишға ваъда беришяпти.

Яшаш ҳикмат бўлса, ҳалоллик умр зийнатидир. Икки дунё саодатини бор қилувчи ҳислат ҳам шу улғу неъматларда. Ҳукуватимиз томонидан белгиланган афв эса қалтис қадам оқибатида адашиб, жиноят йўлиға кирган инсонларнинг ўзлигини англаши, тўғри йўл танлашлари учун яхши имкониятдир. Бундай оқилона сиёсат замирида эса аввало мустақиллик, ҳурлик, тинчлик, мужассам эканлигини асло унутмаслигимиз керак. Шундагина юксалишлар буй кўрсатади, инсон шаъни, кадр-қиммати янада улғуланади.

**Аббос ХОЛМЎМИНОВ,**  
Қумқўрғон туманлараро Иқтисодий суди судьяси.

# БОЛА САВДОСИ АМАЛГА ОШМАДИ

Дунёнинг ишлари қизик, кимдир фарзандсизликдан тирноққа зор бўлиб яшаб ўтади. Ўздан зурриёд қолдириш учун кечаю кундуз оллоҳга илтижо қилади. Яна кимдир эса, шириндан-шакар фарзандининг қадрига етмайди. Энг осон даромад топиш мақсадида, мурғак гўдагини сотиб, пул ишламоқчи бўлади. Бундайларга садқаи ота-она деган ном сенга, дея хайқиргингиз келади. Бири кам дунё, дея шунга айтсалар керакда...



Нурматова Нурия (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 1993 йилда Денов туманида туғилган. Миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси. Маълумоти ўрта-махсус. Оилали, бир нафар вояга етмаган фарзанди бор. Муқаддам судланмаган, ёлланма ишчи. Қашқадарё вилояти Деҳқонobod тумани, “Тоғайтемир” маҳалласида рўйхатда туриб, 2019 йилнинг январь ойидан буён Денов тумани ҳудудда турли манзилларда рўйхатдан ўтмасдан яшаб келган. Муқим яшаш ва иш жойи бўлмаганлиги, моддий жиҳат-

дан қийналганлиги сабабли, вояга етмаган 2 ёшли ўғлини сотиб, жиний даромад орттириш мақсадида бола сотиб оладиган харидор излайди. 2020 йил январь ойининг ўрталарида таниши Адолат Бойқобиловага мурожаат қилади. А.Бойқобилова ИИБга ариза билан мурожаат қилганидан сўнг, тезкор тадбир ўтказилади. 2020 йил 21 январь куни соат 18.00ларда Денов тумани “Баҳористон” маҳалласида жойлашган “ИНДЕНИМ” савдо марказининг 1-қаватида жойлашган кафедра Нурия Нурматова 2017 йил 29 сентябрда

туғилган, 2 ёшу 4 ойлик, ожиз аҳволдаги ўғлини тадбирга мижоз сифатида киритилган А.Бойқобиловага 8 миллион сўмга сотишга келишиб, А.Бойқобиловадан махсус кимёвий ишлов берилган 5 миллион сўмни олиб чўнтагига солган вақтда ашёвий далил билан қўлга олинади. — 2017 йилда турмуш ўртоғим уйдан ҳайдаб юборганди, — дейди Н.Нурматова суд мажлисидаги кўрсатмасида. — Отам уйга киритмаган-

лиги учун танишларим ва қариндошларнинг уйларида яшаб юрдим. Телефонда деновлик Э.Ўтаганов деган эркак билан танишиб қолдим. У менга уйланди. Бирга яшигина яшаб юрүвдик. Кунларнинг бирида Э.Ўтаганов билан тортишиб қолдик ва унинг уйдан кетишига мажбур бўлдим. Ҳар жойда ижарада яшаб, ёлланма ишчи сифатида турли юмушларни бажариб юрдим. 2019 йилнинг декабрида “Дунётепа” маҳалласида

яшовчи Чори деган эркакка турмушга чиқдим. Кўп ўтмай у қамалиб кетди. Болалари эса, мени уйдан ҳайдашди. Шу орада маҳалладаги дўконда сотувчи бўлиб ишлайдиган Адолат Бойқобилова билан танишиб қолдим. Мен унга боламни сотмоқчилигимни айтдим. — 2020 йилнинг 15 январиди Нурияни Денов шаҳрида учратиш қолдим, — деди Адолат Бойқобилова. — У шу орадаги маҳаллаларнинг бирида ижарада яшаётган экан. Боласи ўғил бўлиб, унинг аҳволи яхши эмасди. Унга боласига дори-дармон олиб бериши учун пул бердим. Яна бир-икки бор тасодифан учрашиб қолдик. У боласини Тожикистон Республикаси фуқаросига 13 миллион сўмга сотмоқчи бўлаётганлигини айтди. Гўдакка ачинганим учун “Ўғлингни мен сотиб оламан”, деб уни кўндирдим

**Тезкор тадбир**  
ва бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар бердим. Хуллас, бола сотиш операциясининг олди олинди. Вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакили, Денов тумани Халқ таълими бўлими ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси маълумотларига кўра, Нурия Нурматованинг 2 ёш-у 4 ойлик ўғлини касалхонада доволатиб, 2020 йил 13 февраль куни Китоё туманидаги болалар уйига топширилган. Ҳар ким экканини ўради деганларидек, мазкур одам савдоси иши юзасидан 2020 йил 15 июль куни бўлиб ўтган суд мажлисида Нурматова Нурияга қонуний ҳукм ўқилди. Энди у умрининг тўрт йилини панжара ортида ўтказди.

**Беҳзод ҚУРБОНОВ,**  
**Сурхондарё вилоят ИИБ ТЭҚКБ Т ва ЧХТБ “Сина” УМИБ тезкор вакили, капитан.**

## ОЖИЗАГА ҚўЛ КўТАРИБ, ЖИНОЯТЧИГА АЙЛАНДИ

Одил Барноев (мақолада исмлар ўзгартирилган) ёш, навқирон йигит. У тумандаги ташкилотлардан бирида яхшигина вазифада ишлайди. У кунларнинг бирида оилавий келишмовчилик туфайли турмуш ўртоғи Зарина Насимовани калтаклаб, унга тан жароҳати етказди. Бирок Одилбой судда қилган қилмишини тан олмасликка қўп уринди. Бундан олдин ҳам зўравон Одилбой хотинини

евни кечирмаслигини, унга нисбатан даъвоси борлигини, фуқаролик ишлари бўйича Денов тумани судининг ажримига кўра уларнинг никоҳлари бекор қилинганлигини баён қилди. Судланувчидан даволаниш учун кетган беш миллион саккиз юз минг сўм моддий зарарни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Зарина Насимова 5.800.000 сўмлик моддий зарар етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этмаганлиги сабабли, унинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, судланувчидан жабрланувчи даволанган вақтда ўз ҳисобидан олган дори-дармонлар учун сарфлаган 1.574.200 сўм моддий зарарни ундиришни лозим топди.

Суд Одил Барноевни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топди ва иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда унга 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шу ўринда билаги кучга тўла йигитларга қарата ожизаларга қўл кўтариш гуноҳларнинг каттаси эканлигини айтгимиз келади. Қолаверса, ожизага нисбатан куч ишлатишнинг ўзи йигит кишининг иши эмас. Ахир, инсонга муомала учун Оллоҳ томонидан забон берилган. Ақл-идрок ато этилган. Шундай экан, Одилбой каби ожизани уриб, элда судланган деган тамғани кўтариб юрманг.

**И.АБРАЕВ,**  
**Жиноят ишлари бўйича Олтинсой тумани суди раиси.**



калтаклагани учун маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Суд мажлисида Зарина 2019 йилда Одил билан турмуш қуришганлигини, 2020 йил февраль ойида ўзаро келишмовчилик сабабли уйга кетиб қолганлиги, июль ойида маҳалла хотин-қизлар кўмитаси ва профилактика инспектори уларни яраштириб қўйганлиги, аммо эри Одилбой уни пластикдаги пулни ишлатиб қўйдинг, деб уриб-калтаклаганини таъкидлади. Ҳатто турмуш ўртоғи 2020 йил 21 май куни Заринанинг иш жойи-мактабга бориб уни урганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсада, уни уришни яна давом эттираётганлигини айтиб, судланувчи Одил Барноев

Гиёҳванд (Исmlар ўзгартирилган) **Ғиёсов Рустам Омонович 1957 йилда туғилган. Оилали, фарзандлари, набиралари даврасида гулгун ҳаёт кечириб, ёшларга панд-насихат қиладиган ёшда бўлишига қарамасдан, қинғир ишларга бел боғлаганлиги ҳар биримизни уйга толдириши табиий.**

Сабаби, Рустам Ғиёсов бугунга қадар бир неча марта қилмишларига яраша қонуний жазосини олган бўлсада, ўзгармади. Яна жиний ишларга қўл уриб, фарзандлари, қариндош-уруғларининг юзини ерга қаратди. Денов тумани “Кўхисор” маҳалласида жойлашган яшаш уйида “наша” гиёҳванд ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, парваришлаб келаётганида, Денов тумани ИИБ ФМБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори-2020” тадбирида унинг қилмиши фош этилди.

— 2020 йил 17 август куни соат 14-30да яшаш уйига фуқаролик кийимидаги кишилар келиб, ўзларини орган ходимлари деб таништиришди ва “Қорадори-2020” тадбири ўтказилаётганлиги сабабли, уйимиз ва ҳовлимизни кўздан кечирिशларини айтишди, — дейди Рустам Ғиёсов суддаги кўрсатмасида. — Ана шунда кўз қорачигимдек асраб, аввайлаб, парваришлаб келаётган деҳқончилигим — 9 туп наша гиёҳванд ўсимлиги борлигини пайқаб қолиш-

ди. Буни истеъмол қилишим учун ўз қўлларим билан экканман. Оила аъзоларимнинг хабари йўқ.

Суд суд-наркологик экспертизасининг 2020 йил 28 августдаги 200-сонли далолатномасида Р.Ғиёсов наркомания “наша” касаллиги билан касалланганлиги, 60 ёшдан ошганлиги учун

## “КўХИСОР” ЛИК ГИЁҲВАНД



унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан, мажбурий тиббий даволаш қўллаб бўлмаслигини инobatга олиб, мажбурий тиббий даволаш чоралари қўлланмасликни лозим топди. Ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилган судланувчига икки йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

**Беғали ЧОРИЕВ,**  
**Сурхондарё вилоят ИИБ ТЭҚКБ Т ва ЧХТБ “Хонжиза” т/в катта лейтенанти.**

## ҚАСДАН БАДАНГА ОғИР ШИКАСТ ЕТКАЗДИ

Самиев Дилшод олган тан жароҳати билан тумани Тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган.

Жарқўрғон тумани СТЭБнинг 29.10.2020 йилдаги 209-сонли ҳулосасига кўра вояга етмаган Самиев Дилшоднинг баданида яъни бош мия лат ейиши ўрта оғир даражаси, бош чаноғи ўнг тепа суюги ботиб синиши, каби жароҳати оғирлик даражасига кўра етказилиши вақтида ҳаёт учун хавф борлиги мезонига кўра «Ҳаёт учун хавфли бўлган оғир» тан жароҳати деб баҳоланган.

Мазкур ҳолат юзасидан

2020 йил 13 ноябрь куни Қизирик тумани ИИБ ҳузуридаги ТГ катта терговчиси капитан Х.Тоштемиров томонидан вояга етмаган Қобилов Рустамга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан 222151/2020-23-сонли жиноят иши кўзғатилган.

Жиноят иши юзасидан ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Фахриддин ЧОРИЕВ,**  
**Сурхондарё вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси катта терговчиси, майор.**

# СҮФИ ОЛЛОЁРНИНГ ТАСАВВУФ АДАБИЁТИДАГИ ҲУРИ

Сўфи Оллоёр ўзбек мумтоз адабиётида тасаввуф адабиёти анъаналарини изчил давом эттириб, ўзига хос мактаб яратган адиб, шоир ва мутафаккирдир. Шоир 1644 йилда Каттакўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида Оллоқули (Темирёр) хонадонидан

ди. Бойлик орттирмади. Илм олишга, тасаввуфни чуқур ўрганишга, бадиий ижодга қаттиқ қизишиб кетди. Тинмай ижод этади. Бунга ҳам қаноат қилмай ўзидан бир поғона юқори турган машҳур мутасаввуф шайх Ҳабибуллоҳга шоғирд тушади. Ун йилдан кейин шайхлик мартаба-

ган. Файласуф шоир оғизларга, йўлдан озганларга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатиб беради. Толибларга тўғри йўл кўрсатади. Инсофу адолатни, ҳалоллик ва тўғрилиқни, орифлик, ошиқлик, хилват ва узлатни тўлиб-тошиб қўлайди, нафс ва худбинликни қаттиқ танқид қилади. Дунё лаззатларидан воз кечиб, ўзни ҳақнинг инон-ихтиёрига топшириш фалсафасини илгари суради. Марказий Осиёда кенг тарқалган Яссавия-жаҳрия тариқати гоёлари учун қурашди. Сўфи Оллоёр шеърларида дунёвий ишқ-муҳаббатни ҳам тўлиб тошиб васф этган. Шоир ғазалларида қўлланилган бадиий тасвирий воситалар кишини мафтун қилади:

*Кўрк учун тушти зилоли лаъла мушкин хатту хол,*

*Тутти суҳбат Хизри Кавсар қирғоғинда хилор.*

*Наргиси мастинг хумори бодадин гулгунмудир?*

*Ё будурким лолазор ичра тушан ваҳши физол...*

Сўфи Оллоёр дунёвий ишқ мавзусида битган шеърларида ижтимоий мазмундаги фикрларини ҳам баён

этади. Шоирнинг қуйидаги байтлари фикримизни тўла тасдиқлайди:

*Ҳеч ишим рўйи замин ичра кифоят бўлмади,*

*Бахти кажимни сўроғин берди гоф арқосида.*

*Қўл сунуб олгунча тегди давр аёғи ўзгага, Кўз юмуб очкунча умр ўтти жаҳон ғавғосида...*

Шоир ғазалларида маҳбубанинг маънавий латофатини алоҳида шуқу билан тараннум этади. Уларда тасвир этилган маҳбуба мавҳум илоҳий пари пайкар, хуру филмон эмас, сиз билан биз яшаб турган ҳақиқий дунёдаги гўзал киз сиймоси. Сўфи Оллоёрнинг ғазалларини дунёвий адабиётнинг яхши намуналари қаторига қўйиш мумкин. Сўфи Оллоёрнинг "Сабот ул-ожизин" деб номланган асари фалсафий-дидактик адабиётнинг энг яхши намуналаридан биридир. Унда пир билан шогирдлар ўртасидаги муносабатлар хусусида фикр юритилган. Устознинг шогирдлари олдидаги вазифалари, аксинча шогирднинг олдидаги бурчлари ҳақида баён қилинган:

*Керак муршид берган монанди уммон,*

*Муборак ботини пур дурри маржон.*

*Жаҳолат даштидин ким келса сувсаб, Анинг тохир сувидан бўлса сероб.*

*Агар бўлса касе, ким толиби, Чумуб ботинга жайбин айласа нур...*

Асарда комил инсонни тарбиялаб етиштириш асосий масала қилиб қўйилган. Муаллифнинг фикрича, инсон маълум эътиқодга эга бўлиши зарур. Эътиқодсиз, аниқ мақсадсиз киши беҳуда умр кечирган бўлади. Умри зое кетади. Унга тўғри йўл кўрсатиш даркор.

Сўфи Оллоёр инсон феълидаги салбий жиҳатларни қанчалик изтироб билан тасвирлаеса, ижобий томонларини шунчалик завқ билан қаторига қўйиш мумкин. Сўфи Оллоёрнинг "Сабот ул-ожизин" деб номланган асари фалсафий-дидактик адабиётнинг энг яхши намуналаридан биридир. Унда пир билан шогирдлар ўртасидаги муносабатлар хусусида фикр юритилган. Устознинг шогирдлари олдидаги вазифалари, аксинча шогирднинг олдидаги бурчлари ҳақида баён қилинган:

*Очуқ қўллик, кушода бўлғил,*

*Муруватлик, мулоийим сўзли бўлғил.*

*Мулоийим тил билан бехарбу безарб,*

*Бировни келтирурлар шарқдан фарб.*

*Сучук тилдир ажибанжи муаззам,*

*Ато қилғон ҳеч бўлмағай кам...*



Сўфи Оллоёр ўзбек адабиёти тарихида тасаввуф таълимотини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган шоирдир. У ўз шеърларида сўфийликнинг ахлоқий масалаларини кенг тарғиб қилди. Одам фақат шу йўл билан ҳақиқат ва комилликка эришади, деган фалсафани илгари сурди. Сўфи Оллоёр асарларини форс, араб тилларини пухта билган ҳолда содда ўзбек тилида ёзди. Шунинг учун шоир асарлари халқ оммаси орасида кенг тарқалгандир. Шоир асарлари Тошкент, Қозон, Боку, Истанбул ва бошқа шаҳарларда тошбосма йўли билан бир неча марта нашр этилган.

**Сайёра РОЗИКОВА,**  
**Денов тадбиркорлик ва педагогика институтининг ижтимоий-иқтисодий факультетининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.**



дунёга келган. Сўфи Оллоёр дастлаб Шайхлар қишлоғидаги масжид қошидаги мактабда, сўнг Бухородаги мадрасаларда таълим олган. Мадрасани тугатгандан кейин Жўйбор шайхлари қўлида таҳсил қўрган. Сўнг Сўфи Оллоёр маълум бир муддат Бухорода Абдулазизхон саройида солиқ йиғувчи бўлиб ишлаган. Лекин табиатан раҳмдил, кўнгилчан Сўфи Оллоёр бу ишда кўп ишлама-

сига кўтарилади.

Мутасаввуф шоир бу давр ичида "Маслак ул-муттакийин", "Сабот ул-ожизин", "Мурод ул-орифин", "Сирож ул-ожизин", "Мах-зан ул-мутийин", "Нажот ул-толибин" каби диний-фалсафий асарлар яратди. Сўфи Оллоёрнинг бу асарларидан Куръони карим оятлари, ҳадиси шариф ҳикматлари ва тасаввуф гоёлари ажиб бир тарзда узвий боғланиб кет-

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 12 декабрида мамлакатимиз тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, халқимизни тиббиёт тизими фаолиятидан рози қилиш борасида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилганди.

## МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ



Шундан сўнг тиббиёт соҳасида мисли қўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Шифокорларимизнинг ҳамда тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан кўплаб беморлар дардларига шифо топиб, уйларига, оилалари бағрига хурсандчилик билан қайтишмоқда.

Денов тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли Юқумли касалликлар шифохонасида ҳам малакали ва тажрибали шифокорлар кўплаб топилади. Мамлакатимиздаги коронавирус пандемияси сабаб юзага келган оғир шароитда ҳам маскан ходимлари фидойилик қилишмоқда. Мазкур шифохонадаги инфекционист шифокорлар Турдиали Назаров ҳамда Баҳром

Шариповлар кўп йиллик тажрибаси ва ширинсуханлиги билан жамоадоларига ўрнатилган бўлишга тир. Ҳамма вақтда ҳамда Акбар Ҳазратов сингари фельдшер ва Муҳаббат Абдураҳмонова ҳамда Муҳтарам Юлдошова сингари тозабонлар касбига садоқати билан шифохонадаги беморлар кўнглидан жой олишган.

Бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган коронавирус пандемияси шароитида жонбозлик қилишга тўғри келган барча шифокорларга миннатдорчилик билдираман.

**Қундуз ХОЛМАТОВА,**  
**Денов туманидаги 36-мактаб ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.**

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА БИЗ

### меҳрли бўлмоғимиз лозим

Ўспирлар ўспирин даврида ўзлари учун муҳим бўлган меҳрни ота-оналаридан олишни ҳис қилмайдилар. Ҳар бир бола туғилганидан ота-она меҳрига ташна бўлишади. Агар у ўша меҳрни етарлича олмаса кейинги ҳаётида бир қатор муаммоларга дуч келиши мумкин.

Ўспирин каби ота-она учун ҳам фарзанднинг ўсиш даврида бир қатор муаммолар бўлиши мумкин.

Ёшларда ўспиринлик даврида қалбида бир неча шубҳалар уйғонади.

Ўзига ва катталарга бўлган ишончсизликни ҳис қилади.

Нима биландир шуғулланишга, бошқалар билан дўстлашишга, ота-онасидан олмаган меҳрни кўчадан излашга ҳаракат қилади. Ўспирин бу даврда яқинларидан совий бошлайди.

Ўспириннинг назарича ота-онаси учун у иккинчи даражалидек туюлади унга.

Бу даврда ота-она фарзандига кўпроқ эътибор бериб унинг ҳиссиётларини ва туйғуларини тўғри баҳолаш олиш керак.

Ўспиринда физиологик ривожланиш жараёни тез суръатларда ўзини намоён қилади.

Шу даврда ота-она унинг терс гапиришлари, қўполлигини эътиборга олиб, уни ав-

валги ҳолатига қайтаришга ҳаракат қилмасдан уни тўғри тушуниб файрат ва шижоатини тўғри йўналтири олиши лозим.

Психологларнинг фикрича, ўспирин ўтиш даври ота-она ва ўспирин орасидаги бир-бирини тушуниш ва улар орасидаги муҳит бу муаммога ечим бўла олади.

— Бизнинг фарзандларимиз бизга



ишонилари мумкинми?

Биз фарзандларимизни ўзимизга ишонтира олишимиз керак. Улар доимо биз уларнинг ёнларида эканлигимизни ҳис этишлари лозимдир.

**Малика ШАРИПОВА,**  
**Денов туманидаги 2-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси.**

**ЯНГИ ЙИЛ**

Эски йилни кузатамиз,  
Келмоқдадир янги йил.  
Янги йилда эзгу тилак,  
Орзу умидга тўла дил.

Қишнинг ажиб байрами,  
Сўзламоққа ожиз тил.  
У муҳаббат байрамидир,  
Янгиланиш янги йил.

Қор қопласа ерни гар,  
Чанғи учар болалар.  
Янги йилнинг таровати,  
Шу йўсинда билинар.

**Маржона ХОЛБОЕВА.**



**БОРИГА ШУКР ҚИЛ,  
ЙЎФИГА САБР**

Дунёда ҳеч нарса тўлиқ бўлмайди,  
Ҳаёт ташвишлари сира қолмайди.  
Иймонсиз одамда инсоф бўлмайди,  
Бориға шукр қил, йўғига сабр.  
Соғлиқ бўлиб туриб меҳнат қилмайди,  
Бойлик бўла туриб эҳсон қилмайди.  
Ўзидан ўзгага назар солмайди,  
Бориға шукр қил, йўғига сабр.  
Очлик нелигин билгувчилар бор,  
Соғлиқнинг қадрига етгувчилар бор.  
Ахир муҳим эмас обрў-эътибор,  
Бориға шукр қил, йўғига сабр.  
Наинки ҳам бўлса, оллоҳдан сўра,  
Яратганинг назидан қолмагин сира.  
Дунёга дод-фарёд қилгандан кўра,  
Бориға шукр қил, йўғига сабр.



**Маржона ДАМИНОВА.**



**ОНАЖОНИМСИЗ**

Ўйлар эди мени онам ҳар тонг,  
Энди мен ўйлайман, тонгдан кунгача.  
Эсламан онамни тиловатлар қилиб,  
Хаёл фикрим сизда-ю тош йўлда кўзим.

Катта ёшлиқ қилиб ранжитган эдим,  
Катта бўлиб қолганманку дердим.  
Йўқлигингизда қадрингизга етдим,  
Кечирувчи-фаришта онажонимсиз.

**Нигора БОБОНАЗАРОВА.**

**Денов туманидаги 35-мактаб ўқувчилари.**



**ОТА ОНА**

Ота-оналаримиз бизга меҳрибон,  
Улар билан доим кўнглимиз шодон.  
Қайда бўлсак бизни қилишар дуо,  
Дуосин олмаган бўлишар нодон.  
Уларнинг дуоси бўлар ижобат,  
Уларнинг оёғи остида жаннат.  
Ота-онам сўзи мен учун ҳикмат,  
Шул боис ҳар доим айтамыз раҳмат.  
Уларни қилсангиз, хурмат эҳтиром,  
Эл ичра топгайсиз, обрў-эътибор.  
Олсангиз гар ота-она дуосин,  
Ёмонлик кўрмайсиз зинҳор ва зинҳор.


**Далер ЖУМАҚУЛОВ.**



**МАКТАБ**

Менинг она мактабим,  
Қучоғингда яйрайман.  
Билим олиб толмасдан,  
Булбул бўлиб сайрайман.

Таълим берар устозлар,  
Ҳар битта ўғил-қизга.  
Яна минг бора ташаккур,  
Азиз устозлар сизга.



Билим олиш бурчимиз,  
Мактабнинг қучоғида.  
Меҳрни кўп кўргаймиз,  
Устозлар қароғида.

**Назира САЙРИДДИНОВА.**



**ШИФОКОРЛАР**

Бемордан ҳол сўраган,  
Эл корига яраган.  
Ҳар доим яратгандан,

Доим югурган, чопган,  
Қалби оқ шифокорлар.  
Номингиз улуг мудом,  
Мададдир Сино бобом.  
Сизнинг ғайратингиздан,  
Юракка келур илҳом,  
Кўнгли пок шифокорлар.



Саломатлик сўраган,  
Кўнгли пок шифокорлар.  
Тунлари бедор ўтган,  
Юракларга йўл топган.  
Саломатлик йўлида,

**ОНА ВА БОЛА СУҲБАТИ**

Бир кун она ўглига,  
Шундай бир савол берди.  
“Насиб бўлса, улғайсанг,  
Ким бўлмоқчисан?” — деди.  
“Насиб этса катта бўлсам,  
Деб жавоб берди ўгли, —  
Ҳарбий бўламан, она,  
Йигитга шу йўл тўғри”.  
“Ватанимга, халқимга,  
Хизмат қилайин дилдан.  
Юраман доим Темура,  
Бобомлар юрган йўлдан.”  
Бу гапларни эшитибок,  
Хурсанд бўлди онаси.  
Ҳар кимга ҳам муқаддас,  
Ватанга хизмат қилмоқ,  
Курбою,

**ТОШТЕМИРОВА.**

**ВАТАНИМ МЕНИНГ**

Она ватан жон Ўзбекистон,  
Тупроғингни кўзимга сурай.  
Фарзандларинг сафида ўзим,  
Ҳар доим ҳам хизматда турай.



Юртимиз тинч, мусаффо осмон,  
Шу боисдан ҳам куламыз шодон.  
Дўстлар она Ватанимизнинг,  
Хизматида, бўлайлик ҳар он.

**Шоҳжаҳон ҚОБИЛОВ.**

**ОНАЖОНИМ**

Бу дунёда сиз ягонамсиз,  
Онажоним меҳрибоним ўзингиз.  
Ўзим бўлай кўзингиз нури,  
Жонимга озуқадир сўзингиз.  
Сиз кулсангиз олам кулади,  
Юраклар ҳам шодликка тўлар.  
Сиз кулсангиз агар онажон,  
Юракдаги ғамларим ўлар.

**Гулсанам САЙРИДДИНОВА.**



**Денов туманидаги 16-мактаб ўқувчилари.**

**Юртимиз ёшлари**

**“ШАҲДАМ ЮРИШЛАР”**

Таълим тизимида ҳуқуқий билим бериш маданиятини юксалтириш нафақат муҳим эга балки ўқиш ва ўқитишда унинг вазибаларини аниқ белгилаб, маёқ вазибаларини ўтайди. Бирок ютуқлар ўзимизники, биз янада аниқлик ва тиниқликка интилишимиз лозим. Ҳаркимнинг билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш ҳуқуқи давлат тамонидан кафолатлангани ва шуларга ўхшаш гам-ўрликлар Бош Қомусимизнинг моддаларида ёритилган.

Туманимиздаги 64-мактаб 8-синф ўқувчиларининг тadbир жараёнида балогатга етмаган фарзандларнинг балогат ёшига етганга қадар ота-оналарнинг боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари ҳамда ушбу ҳолатнинг акси-вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари шарт эканига сахна кўринишида шарҳ беришди. Қомусимиздаги инсонпарварлик руҳидаги чамбарчаслик дунёнинг бошқа қомусларида мавжуд эмасдур. Зеро туз ҳам, шакар ҳам оқдир. Уларнинг фарқини таъмини тотиб кўрсангина биласан.

Ёшларнинг ҳуқуқий билим олиб, эртанги келажига, ҳаётда ўз ўрнини топишга йўналтирилган моддаларнинг қомусимизда устуворлиги таълим тизимининг мақсад сари шаҳдам юришларидан далолатдир.

**Абдулгани БОЙБУСИНОВ,  
Денов туманидаги 64- умумий ўрта  
таълим мактаби маънавий-маърифий ишлар  
бўйича директор ўринбосари.**



**КЕЛАЖАГИ ОЙДИН ҚИЗ**

Денов туманидаги 74-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Машхура Ҳайназарова ҳам интилувчан, истеъдодли ва билимга чанқоқ ёшлардан бири. М. Ҳайназарова мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, Денов туманидаги 16-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабида дуторчилик, рақс ва актёрлик сирларидан сабоқ олаёттир. Машхуранинг инглиз ва рус тилларига қизиқиши баланд. У ушбу тилларда бемалол суҳбатлаша олади.

— Тил билган, эл билади, дейди Машхура Ҳайназарова. — Бир неча йиллардан буён инглиз ва рус тилларини пухта ўрганиб келаяпман. Яна бошқа тилларни ҳам ўрганишни бор. Бўш вақтларимда китоб ўқишни, турли ши-



ринликлар ва салатлар тайёрлашни яхши кўраман. Тўғри дутор чертишга, рақс тушишга ва актёрлик санъатларига қизиқишим баланд. Аммо ке-

лажақда шифокор бўлишни мақсад қилганман. Менга билим бераётган ва санъат сирларини ўргатаётган устозларимга, қизиқишларимнинг амалга ошишида кўмаклашаётган ва шарт-шароит яратиб бераётган ота-онамга миннатдорчилик билдираман.

М. Ҳайназарова, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Санъатга шайдо кўнгли”, “Нозик ҳаракатлар ифодаси” ҳамда “Ансамбллар” сингари кўплаб кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Шунингдек у, Денов тумани маданияти бўлимида ҳам “Кўзгу” гуруҳи аъзоси сифатида самарали фаолият юритмоқда.

Ўйлаймизки, Машхура Ҳайназарова келажакда устозлари ишончини оқлаб, мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши равнақи йўлида хизмат қиладиган мутахассис бўлиб камолга етади.

**Нилуфар САИДОВА,  
Денов туманидаги  
36-мактаб ўқитувчиси.**

**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

Маймун дарвоза эшигини очганда қаршисида отининг жиловини тутганча Лочинбек турарди.

— Ассалому алайкум Лочинбек ака, хонадонимизга хуш келибсиз! — деди хурсандчилигини яширмасдан Маймун.

— Тақсир, акаликка арзи-майдингиз инсонни ака дейи-шингиз қалбимни титратиб юборди. Сизнинг бу мулозама-тингиз каминани яна бир бора ерларчин қилди. Хом суг эмган бандаман, билиб билмасдан йўл қўйган гуноҳимдан минг бора пушаймонман. Сиз сўқир кўзимни очдингиз, узр, — Лочинбек бошини ҳам қилганча қайта-қайта узр сўрарди.

— Қани, марҳамат, ховлига кирайлик. Падарибузрукворим ҳам мунтазир бўлиб қолдилар. Ризқингиз мўл экан. Кечки емак сузилган, совиб қолмасин. Отингизни менга беринг, сай-исхонага боғлаб қўяман.

Маймун Лочинбекни меҳмонхона қаршисидаги баланд супага бошлаб борди. Ўғли билан келаётган нотаниш кишига кўзи тушган Муҳаммад ўрнидан кўзгалди. Нотаниш киши супага кўтарилгач, у мулозамат кўрсатиб ҳол сўрашди. Бунгача Маймун ҳам отни сай-исхонага қолдириб, Лочинбек-

нинг қаршисидан жой олди. Чақирилмаган меҳмон кўрпачага ўрнашиб ўтираркан, хонадон соҳиби ва унинг ўғлига тавозе билан тақдор-тақдор миннатдорчилик изхор этарди. Ўртадаги бироз жимликдан фойдаланиб Маймун отасига нотаниш кишини таништира бошлади. Лочинбек эса гўё ўзини чўғ устига ўтиргандек ҳис этаётганди. Буни сезган Муҳаммад меҳмонга тасалли бермоқчи бўлди шекилли:

— Лочинбек, ҳаммамиз ҳам аслида хом суг эмган бандалар-миз. Баъда борки, хатоликдан холи эмас. Ҳаётнинг ўзи мактаб, фақат ундан сабоқ олишни билишимиз лозим. Ҳаётингиздаги бу воқелик ҳам Яратганининг бир синовидир. Ҳар ҳолда синовдан ўтдингиз. Ахир, тавба қилишга киришдингиз-ку! Бу тавбангиз чин қалбдан бўлаётган бўлса, Аллоҳ тавбангизни қабул қилади, иншооллоҳ! Тавба қилмаганингизда бизларнинг хонадонимизни излаб келмаган, яна аввалги хунук ишларингизни давом эттираверган бўлардингиз, — деди мулойимлик билан.

— Илоҳо, айтганингиз келсин, тақсир. Бундан сўнг хатоликка ҳам, инсонийликка зид ишларга ҳам йўл қўймайлик ҳаракат қиламан. Тақсир, бундай хатоликка йўл қўйишимга

# ҲАҚИҚАТ ҚИЛИЧИ

асосий сабаб деб ўз вақтида ота-онамининг панд-насиҳатларига амал қилмаганимдан деб билмаман. Ахир-оқибат улар мендан рози бўлишмасдан бу оламни тарк этишган. Буни авваллари ҳис этмагандим. Фарзандингизни Аллоҳ менга дуч қилди-ю, ўзлимни англаб етишимга сабаб бўлди. Афсус, анча кечикдим! — Лочинбекни ўлкаси тўлиб, кўзларига ёш қалқиди.

— Ўғлим, афсус-надоматга энди ўрин йўқ, — деди далда берган бўлиб Муҳаммад. — Ҳечдан кўра бироз кеч бўлса-да, йўл қўйган хато-камчиликларингизни англаб етибсиз. Шунини ҳам катта гап. Энди буёғига хушёрликни қўлдан бермасангиз бас! Илм олишни мақсад қилганингизни Маймун менга айтган эди. Мақсад қатъий бўлса, маррага албатта етишасиз!

Бу орада Лочинбек ҳам ўзини бироз ўнглаб олди. Чўқур “ух-ҳ” тортиб, қаршисида ўтирган нуронийга тикиларкан:

— Тақсир, мени хурматлаб ўғлим деддингиз. Афсус, ҳали ўғилликка лойиқ эмасман! — деди кўзларидан ёш оқиб.

— Афсусланманг, ўғлим. Ҳаммамиз ҳам хатоликка йўл қўямиз. Аммо, уни ўз вақтида англаб, тузатишга ҳаракат қилсак, Яратган албатта авф этади. Ҳамма гап йўл қўйган хатоимизни англаб етишимизда, болам. Ваъдасига вафо қилишлик мардининг иши. Сиз аввало ўз хатоингизни англабсиз.

Маймунга берган ваъдангизни устидан чиқиб, бугун хонадонимизга қадам ранжида қилибсиз. Бундан чиқди, илм олишга ҳам рағбатингиз етарли, иншооллоҳ!

— Тақсир, бошимга тушган оғир жудоликдан буён бир савол менга ҳеч тинчлик бермаяпти.

— Қандай савол экан? — Муҳаммад Лочинбекка савол назари билан тикилди.

— Ҳали айтганимдек, ёшлигимда ота-онамининг панд-насиҳатларини олмасдан уларни



хафа қилгандим. Қандай қилсам уларнинг руҳларини шод этиб, розилиklarини оламан? Йўл кўрсатинг, тақсир, — деди ҳали ҳам кўз ёшларини тиёлмасдан Лочинбек.

— Лочинбек, тавбангизга ҳали эслатганимдек Аллоҳни ўртага қўйиб, қалбан амал қилсангиз, иймоним комилки, отанангиз руҳлари сиздан рози бўлишади, иншооллоҳ.

**Шомурод ШАРАПОВ,**  
фахрий журналист.  
(Давоми бор).

## ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Бугун дунё тез ўзгариб, ундаги воқеалар, мафкуралар, гоёлар тўқнашуви бизни ҳар қачонгидан сергак ва огоҳ бўлишга ундайди. Инсон ўзи учун ҳаловат ва тинчликни ўз идроки ва билими билан таъминлайди. Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоёларини тарқатиш, керак бўлса, унинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Маълумки, оломонга бўйсунувчи бу турдаги одамлар бошқалардан фарқ қилади.



нишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айланганда намоян бўлмоқда.

Бундай тажовуз қорона ҳаракатлар биз-

Психологлар анчадан бери оломон руҳиятини ўрганишга уринади, аммо ҳамон унинг илдиизига етиб борилмаган. Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлди-ми, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиршишга ҳаракат қилади.

Ҳозирги кунда ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиршишга уринадиган, шунинг ҳисобидан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп. Минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равшан тасаввур қилиш осон эмас. Нега деганда, улар турли ниқоблар, жозибали шиор ва гоёлар пардаси остида иш кўради. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига хизмат қилмоқда.

Энг ёмони — бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан то-

лар учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир. Ҳақиқат ва холисликдан йироқ бўлган, фақат ғаразли сиёсий манфаатларни кўзлайдиган бундай қарашлар ҳеч кимга наф келтирмайди ва ҳеч кимнинг обрўсига обрў қўшмайди.

Мамлакатимизда ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат-эҳтиром руҳида камол топтириш, уларни маънавиятимизга ёт зарарли гоёлар таъсиридан ҳимоялашга, яъни “Ўз уйингни, ўзинг асра!”—деган ақидага амал қилиб, уларни маънавиятимизга ёт зарарли гоёлар таъсиридан асраб-авайлаш Сиз ёшлар қўлида. Биз Сиз ёшларга ишонамиз.

**О. ПАРДАЕВ,**  
Сурхондарё вилоят ИИБ  
ТЭҚҚБ Т ва ЧХТБ “Озод” ТБ  
тезкор вакили, катта  
лейтенант.

Ҳозирги глобаллашув замони, минтақалар ва давлатларaro интеграция жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция барча мамлакатларда ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариб, жамиятни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлаш хавфини солмоқда. Бинобарин, бугун

зиш шарт-шароитларини истисно этиш, давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий

**Глобал муаммо**

иштирок этишга жалб қилиш каби масалалар шулар жумласидандир.

Бундан буён идора-вий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиклиги механизmlарини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя эти-

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАДАНИЯТИ

каттами-кичикми, бойми-камбағалми, қудратлими-кучсизми биронта давлатни коррупциядан холи ҳудуд, деб айтолмаймиз.

Шу боис мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин ва муро-сасиз кураш олиб борилмоқда. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларaro комиссиясининг ташкил этилиши ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг тасдиқла-ниши юртимизда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирларни самарали амалга оширилишини таъминлади.

Жумладан, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустақамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтка-



этиш, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини жорий этиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муро-сасиз муносабатни кучайтириш, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда

лиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим ва-зифаси ҳисобланадиган бўлди.

**М. ХИММАТОВ,**  
Сурхондарё вилоят ИИБ ТЭҚҚБ Т ва ЧХТБ “Озод” ТБ катта тезкор вакили, катта лейтенант.

Хари...на		Чаплин (актёр)	Ижара	Ирок пул бирлиги			Товла-ниш, жило	Туман, Бухоро вилояти															
Сабура	Хамир-туруш			Дуккак-ли экин	... Нас-риддин Афанди	Сунгги умид, ният	Кашфиёт		Мева тури, зардоли	Озод-лик, хуррият	Эрта баҳор												
		Яккаю елғиз	Новел-ла, очерк				Гап ташувчи	Юз қисми, энгак	Арзанда тангик														
	-бади (беҳуда торти-шув)			Забт, истило		Кўмак, мадад					... Сид (машина)												
	Хасан ва Хусан	Оркестр бошқа-рувчиси					Тахмин, чама	мунча	Янға (шева)														
				Бошбе-ков (ёзувчи)				Юз йил			Хон саройи												
			Яккаю елғиз	Қоч, ... тур			...-садо		...-сирим		Ковун нави											Соп, тутқич	
							Эзилган картош-ка (овқат)		... Гир (актёр)														
	Асотир, афсона	Ёритиш жиҳози						Татарча димлама	Сурат чорчупи														
		Инон- (эрк)	Тир-рамча, шумтака			Юзнинг буртик қисми					Айғокчи жосус											Туркия пой-тахти	
								Кул учи-да, хужа-курсинга	Сафин (теннис-чи)														
		Қайсар, уچار (шевада)		Қалай-дан, нима сабаб						Араз													
				«Бозор курма-ган...» (комедия)		Хикмат-ли гап	Сахро	... Раз-зокова (хонан.)	Моҳир, уста	Хамирли таом тури	Пай-вандлаш қалам-часи												
Бола исми		Тог меваси	Шарипов (хонан.)	Кулоғи оғир, қар				Тақаб-бур димоғ-дор															
Осиб куй!		Бор-йуғи, факат-гина																					
Қарор, аҳд			Бутан, этан, пропан							Соқол қиртиш-лаш асбоби	Чўпон чолғуси												
Ток қуввати ўлчови		Эвара (сино-ним)								Юпитер дулдоши	Малла, заъ-фарон	Тотли, ширин											
										Раҳимова (хонан.)													
				«Тик-...» (драже)																			
Ҳамза (актёр)	Пой-тахти-Анкара шахри	Ут уриш асбоби	... Али ибн Сино	Турман (актриса)							Исломиёй фарз	Мақон, уй	Чаклоқ туйи										
	Вирус, бакте-рия	Гуштсиз суюк									... Қари-мова (актриса)												
				Кириш, муқад-дима																			
	Пианина ҳамсози	Лас-даги тил								Туман, Сурхон-дарё вилояти													
				Нохуш, ачи-нарли	Электр энер-гия	Подшо, қирол					Пухта, мустах-кам	борнинг нози бор											
			анда	Силлик буз	Сув хара-кати						Шоҳмот сипоҳи		Миянинг котади-ган қисми	Вакт бирлиги									
	Юқумли касал-лик	Тааж-жуб, қизиқ																					
			Бепарво бекунт								Тиббиёт дока лентаси												
Кофта...	Машина ёниги идиши	От ва эшак боласи										Уч (форсча)	Леонар-до... Винчи (рассом)										
			Сипо-оддий								Садо, товуш	Арслон буржи											
											Ком-пьютер кассе-таси												



### АҲОЛИНИ РҲҲАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ 2022 ЙИЛДАН 2023 ЙИЛГА КЎЧИРИЛДИ

Президент фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш 2022 йил ноябрь ойида ўтказилиши белгиланган эди. Аҳолини рўйхатга олиш тадбири кенг қўламли, кўп вақт ва катта маблағ талаб этадиган тадбир бўлиб, уни ўтказиш учун 2-3 йил давомида тайёргарлик ишлари-

ни олиб бориш керак. Шу сабабли, тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг янги қарори билан аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2023 йилда ўтказилиши белгиланди. Фармон билан, 2021 йил 1 апрелга қадар аҳоли пунктлари ва кўчалар ном белги-ларини ўрнатиш, хонадон ва уйларни тўлиқ рақамлаш ишлари якунига етказилади.

**Денов туман статистика бўлими.**

### «XOLCHAYON TRANS» масъулияти чекланган жамияти билан тузилган шартнома шартларини бажармаган автомобилларга берилган лицензиялар БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зил 138	75 F 023 GA	23.07.2019	23.07.2022	ASH №312593
ISUZU	75 F 808 JA	01.11.2019	30.10.2022	ASH №333139
ISUZU	75 N 199 HA	13.09.2019	13.09.2022	ASH №332933
ISUZU	75 J 504 KA	03.10.2018	03.10.2021	ASH №294186
ISUZU	75 R 355 LA	01.11.2019	01.11.2022	ASH №3331405
ISUZU	75 D 890 HA	03.10.2019	30.10.2022	ASH №333004
Камаз	75 A 601 LA	11.04.2019	11.04.2022	ASH №332905
Камаз 53212	40 F 994 GA	07.05.2019	07.05.2022	ASH №320629
ISUZU	75 F 260 HA	10.07.2019	10.07.2022	ASH №312541
ГАЗ 3302	75 X 478 GA	22.04.2020	22.04.2023	ASH №346426
KIA BONGO III	50 U 493 OA	05.03.2020	05.03.2022	ASH №345772
ISUZU	75 S 707 EA	02.12.2019	02.12.2022	ASH №341056
Камаз 53212	75 Q 949 AA	14.02.2020	14.02.2023	ASH №345663
ISUZU	75 R 906 HA	28.05.2020	27.05.2023	ASH №335537

### ТУМАНДА ЖОЙЛАШГАН БАРЧА МИКРОФИРМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА КОРХОНА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Денов туман Статистика бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 39 -сонли қарорига асосан тасдиқланган 25-26-27 ило-валарига 1-КВ, 2-КВ, 3-КВ кузатуви 4 чорак бир мартали МИКРОФИРМА ВА КИЧИК КОРХО-НАНИНГ ФАОЛИЯТИНИ КУЗАТИШ СЎРВНОМАСИНИ 2021 йил 2 январдан кечиктирмай, 2019 йил 2 октябрдаги 10-мб-сон қарорига асосан тасдиқланган 38-илловасига 1-ФХ шакли ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ туманда жойлашган фермер хўжаликлари 2021 йил 5 январдан кечиктирмай ва 2019 йил 2 октябрдаги 10-мб-сон қарорига асосан тасдиқ-ланган 48-илловасига 1 меҳнат шакли меҳнат ҳисоботини 2021 йилнинг 6 январидан кечиктир-май Интернет тармоғи ESTAT 3.0 орқали тақдим этишлари сўралади.

**Денов туман статистика бўлими**

## БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Таълим ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти бўлиб, шу жараёнда шахснинг тараққиёти, унинг маълумоти ва тарбияси ҳам амалга ошади.

Дарсларда ўқитувчи ўз билими, кўникма ва малакаларини машғулотлар воситасида ўқувчиларга етказиши, ўқувчилар эса уни ўзлаштириб бориши натижасида ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлади. Ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўзлаштиришнинг турли кўринишларидан фойдаланишади, яъни ўзлаштирилаётган маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ҳамда амалиётга татбиқ этишда ўзига хос тафовутларга таянади. Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларларнинг дарс пайтидаги ҳамкорлиги, ўқувчиларнинг мустақил ишлаши, синфдан ташқари ишлар шаклида таълим ва тар-

бия масалалари ҳал этилади.

Таълимнинг мақсади жамият эҳтиёжига мос равишда шаклланади. Шундай экан, таълим-тарбия мақсади мос ва мутаносиб бўлиши керак. Илмий адабиётларда таълимнинг мақсади имкониятларидан тўғри, аниқ, ўринли фойдаланиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, мантиқий-ижодий тафаккурни ривожлантириш, коммуникатив саводхонликни ошириш, миллий ғояни сингдириш, шарқона тарбияни шакллантириш, шахсни маънавий бойитишдан иборатлиги таъкидланган. Таълимий мақсад асосида ўқувчиларда мустақил

фикрлаш, оғзаки ва ёзма саводхонликни ошириш, мантиқий тафаккурни ривожлантириш орқали уларнинг мулоқот маданияти такомиллаштирилади. Тарбиявий мақсад асосида эса маънавий, ғоявий, нафосат тарбияси берилади. Тил ўрганиш жараёнида халқнинг маданий-ахлоқий қадриятларига яқинлаштириш имкони пайдо бўлади.

Улуғ донишмандлардан бири «...кечажак ташвиш билан яшасанг, фарзандларингга яхши билим бер, ўқит», деган экан. Юртимизда таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақиқий маънода биринчи йиллик ёки қисқа даврда самарага эришишга қаратилган иш эмас, балки чин маънода бир неча юз йилларга татийдиган

ўзгариш бўлди, десак хато бўлмайди. Бу Президентимизнинг келажагимиз, келажақ авлодимиз ҳақида қайғуриб, юртимизнинг барча фарзандлари – менинг фарзандларим, улар бизлардан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари керак, деган ғояси замирида донишмандларча сиёсат ётганини кўрсатади.

Маълумки, таълимда илғор педагогик ва янги ахборотлар технологияларини татбиқ этиш ўқув машғулотларининг самарадорлигини оширибгина қолмай, илм-фан ютуқларини амалиётда қўллаш орқали мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, ҳар томонлама баркамол юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.



Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялардан фойдаланиш эса уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топиш, мустақил ўрганиш ва фикрлаш, таҳлил қилиш, ҳатто яқини хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришга ўргатади. Бошланғич синфларда

### Таълим

интерфаол методлар ва таълимий ўйинлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ижодий изланиш ва мантиқий фикрлаш доираларини кенгайтириш билан бирга уларни дарсларда ўрганганларини ҳаёт билан боғлашга, қизиқишларини оширишга ёрдам беради. Ўқитувчиларнинг бундай замонавий талаблар асосида яратилган шароитлардан самарали фойдаланиб, дарсларни илғор педагогик ҳамда ахборот коммуникация технологиялари асосида ташкил этилиши таълим-тарбия жараёни сифатини кафолатлайди.

**Г.ҚОРАБОЕВА,**  
Денов туманидаги  
35-мактабдаги  
бошланғич синф  
ўқитувчиси.  
**И.МАМАДАЛИЕВА,**  
Денов туманидаги  
5-мактабнинг  
бошланғич синф  
ўқитувчиси.

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИ ҲАФТАДА 2 СОАТДАН ЎҚИТИЛАДИ

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида умумий ўқув соатлари доирасида жисмоний тарбия фани барча синфларда ҳафтада 2 соатдан ўқитиш йўлга қўйилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чораларидан тўғрисида»ги фармонида белгиланган.

2021 йилда умумтаълим мактабларига 50 та спорт зали қурилиши учун 100 млрд. сўм, спорт таълим муассасаларига 48 та спорт иншооти қурилиши учун 400 млрд. сўм ажратилади.

2021 йил 10 апрелга қадар 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш, шу асосда умумтаълим мактаблари спорт заллари билан тўлиқ таъминланади, ҳар бир туман (шаҳар)да моддий-техника базасига эга болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда бошқа жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг спорт иншоотлари қурилади ва жиҳозланади.

Бундан ташқари, Президент имзолаган соғлом турмуш тарзига оид фармонга асосан:

- икки ой муддатда умумтаълим, профессионал ва олий таълим муассасаларида дарслар оралиғида (катта танаффус вақтида) "Спорт дақиқаси" жисмоний машқлари амалиётга жорий этилади;

- дарслар бошланишидан олдин эса 2 дақиқа нафас олиш машқлари ўтказилади;

- 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар, талабалар-

нинг ёш тоифасига қараб уларнинг жисмоний кўрсаткичларини (югуриш, отиш, сакраш, тортилиш) баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, "Кундалик" рейтинг дафтарида алоҳида саҳифада киритилади; ҳар чоракда таҳлил қилиб борилади.

Уч ой муддатда болалар-



Саломатлик — туман бойлик

нинг жисмоний ривожланиши рақамлаштирилган дастур ёрдамида мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилади.

2021 йил 1 мартга қадар тиббиёт ходимлари томонидан болаларнинг соғлигини инobatга олган ҳолда, жисмоний тарбия билан шуғулланиши устидан назорат ўрнатилади. Болалар саломатлиги асосида тиббий-соғломлаштириш гуруҳларига ажратилиб, шунга қараб жисмоний чиниктириш миқдори белгиланади.

Боғчаларнинг тиббиёт ходимлари ва мактабларга бериштирилган тиббиёт ходимлари тарбияланувчилар ва ўқувчилар соғлиги ва жисмоний камолотини доимий равишда назоратга олади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

- бир ой муддатда Тиббиёт ходимларининг касбий малака-

сини ривожлантириш маркази билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларининг врач ва ўрта тиббий ходимларини диетология бўйича тайёрлаш, шу жумладан амалий кўникмаларини шакллантириш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилади;

- 2021 йил 1 мартга қадар, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда ортиқча вазнга эга шахслар учун ўртача кунлик овқатланиш меъёри ва рационал ҳамда жисмоний машқлар комп-лексини ишлаб чиқиш, уни аҳоли орасида доимий тарғиб этиб боради;

- таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори меъёридан ортиқ бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини кам истеъмол қилиш бўйича оилалар ўртасида тарғибот ишларини олиб боради.

Инновацион ривожланиш вазирлиги эса 2021 йилдан бошлаб ҳар йили:

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун 10 млрд. сўмдан кам бўлмаган миқдорда грант маблағлари ажратади;

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар улушини ошириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги ОМЛларга таянч докторантура ва докторантура учун камида 10 та ўрин ажратади.

**Ҳасан САЙФУТДИНОВ,**  
Денов туманидаги 5-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

### Тил билган эл билади

## ТИЛГА МУНОСАБАТ

Таълим жараёнида замонавий, инновацион технологиялар билан ҳамроҳликда олиб бориш ўқувчининг ўрганиш жараёнидаги фаоллигини, қабул қилиш тезлигини таъминлайди. Бугунги давр педагогдан нафақат ўз касбининг устаси, балки яхши психолог, ўқувчини қизиқтирадиган барча саволларнинг билимдони, замонавий технология ва жаҳонда бўлаётган янгиликлардан биринчилар қатори хабардор бўладиган, чет тиллардан бирида эркин мулоқот қила оладиган маънавиятли шахс бўлиши лозимлигини талаб этмоқда.

Тил кишилар муносабатининг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, бир-бирларини тушунадилар. Шунинг учун тил ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида иштирок этиб, ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион қирраларининг эҳтиёжи сифатида вуҷудга келади.

Чет тилини ўргатишда психологик хусусиятлардан, яъни билим, малака, кўникма ҳосил қилишдан фойдаланилади. Ўз тили ва маданиятини пухта билган ўқувчигина бошқа тилларга меҳр қўя олади. Шунингдек, таълим жараёнида ноанъанавий услублардан тўғри фойдаланиш билиш фаоллигининг кўрсаткичларини шакллантиришга имкон беради. Жумладан, ўқувчиларнинг эркин фикр юритиш ва фикр алмаша олиши, нутқ фаоллигини ошириб, турли мавзуларда нутқ юритиши, бошқа мамлакатларнинг маданияти билан танишиб бориши ҳамда она Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланиши кабилар кузатилади. Демак, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг алоҳида ўрнини таъминлаш ва уни мустақамлашга хизмат қилиш учун ҳам чет тилларни ўрганиш лозим бўлади.

**Нигора АБДУХАИРОВА,**  
Олтинсой туманидаги 8- мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси.

### TASHRIF

ижтимоий —  
сиёсий газета  
Муассис: «Ташриф  
Сурхон» МЧЖ

Газета Сурхондарё  
ҳамда республикамиз-  
нинг айрим вилоятлари  
бўйлаб тарқалмоқда.

Бош муҳаррир:  
**Темиров  
Хусниддин  
Нормуродович**

Тахририят манзили: Денов шаҳри 190500. Ш.Рашидов кўчаси, 247-уй. ТЕЛ: 0376-4135374.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлиги Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси томонидан 2016 йил 12 апрель куни 11-065 рақами билан қайта рўйхатга олинган.  
Нашр индекси: 6529

Навбатчи: **Г.АБДУЖАЛИЛОВА**  
Мусаххих: **Н.АБДУРАҲИМОВА**

«Денов босмаҳонаси»  
МЧЖда А-3 ҳажмда чоп  
этилди. Адади: 2300 нусха.

Баҳоси сотувда келишилган  
нарҳда.  
t-тижорат белгиси.

Газета «Tashrif Surxon»  
МЧЖнинг компьютер бўлимида  
терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи:  
**Фахриддин ПРАНОВ**

Босишга топшириш вақти 16.00.

Буюртма 2